

SPECIAL ISSUE

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 3 | MAY-JUNE | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at www.imfaktor.com

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР 3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE 3

ТОШКЕНТ – 2024

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-3>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2024 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ИСАЕВА Дилноза Замировна

Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон

туманлараро судининг

судьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11634201>

САНОАТ НАМУНАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИНГ ҲИМОЯСИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛДИ

АННОТАЦИЯ

Ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади.

Калит сўзлар: саноат мулки объекти, ҳуқуқ ҳимояси, патент, экспертиза, патент эгаси, рўйхатга олиш, мерос, объектнинг муаллифи, ҳаммуаллиф, товон, ҳақ, лицензия, Женева акти, халқаро ҳимоя, ижодий ғоя бирлиги, талаб, Қонун, модда.

ПРАВ НА ПРОМЫШЛЕННЫЕ ОБРАЗЦЫ УСИЛЕНИЕ ЗАЩИТЫ

АННОТАЦИЯ

Каждому гарантируется свобода научного, технического и художественного творчества, право на пользование достижениями культуры. Интеллектуальная собственность охраняется законом.

Государство заботится о культурном, научном и техническом развитии общества.

Ключевые слова: объект промышленной собственности, право на защиту, патент, экспертиза, патентообладатель, перечень, наследование, автор объекта, соавтор, товарный знак, право, лицензия, Женевский акт, международная защита, единство творческой идеи, требование, закон, статья.

OF THE RIGHTS TO INDUSTRIAL SAMPLES INCREASED PROTECTION

ANNOTATION

Everyone shall be guaranteed the freedom of scientific, technical and artistic creativity, the right to enjoy the achievements of culture. Intellectual property shall be protected by law.

The state shall take care of the cultural, scientific and technical development of society.

Keywords: object of industrial property, right to protection, patent examination, patent holder, list, inheritance, author of the object, co-author, trademark, law, license, Geneva Act, international protection, unity of creative idea, requirement, law, article.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида белгиланишича, ҳар кимга илмий, техникавий ва бадиий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Интеллектуал мулк қонун билан муҳофаза қилинади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланиши ҳақида ғамхўрлик қилади [1].

Барчамизга маълумки, Ўзбекистон Республикасида саноат намуналарини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинди.

Мазкур Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Мазкур Қонуннинг 5-моддасида белгиланишича, саноат мулки объектига бўлган ҳуқуқ муаллифга (ҳаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) ҳуқуқий ворисига (ҳуқуқий ворисларига) тегишли бўлади ва патент билан тасдиқланади.

Агар саноат мулки объектини бир нечта шахс бир-биридан мустақил равишда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талабномани Вазирликка биринчи бўлиб топширган шахсга тегишли бўлади.

Муаллиф (ҳаммуаллифлар), агар ўзи (ўзлари) яратган саноат мулки объектини бошқалар ғайриқонуний ўзлаштириб олиши натижасида бу объектга талабнома топширилган ёки патент олинган бўлса, патент берилганлиги юзасидан низолашиш ёхуд патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) патентнинг ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Саноат мулки объектининг патенти давлат экспертизаси ўтказилганидан кейин берилади.

Саноат мулки объектининг патенти саноат мулки объекти устуворлигини, унга муаллифликни ва патент эгасининг саноат мулки объектига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи саноат мулки объекти рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Вазирликнинг расмий ахборотномасида эълон қилинган санадан эътиборан амалда деб ҳисобланади.

Вазирликка патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ҳисоблаганда ихтиро патенти йигирма йил мобайнида, саноат намунаси патенти ўн йил мобайнида, фойдали модель патенти беш йил мобайнида амал қилади.

Ихтиро патентининг амал қилиши қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда патент эгасининг илтимосномасига биноан Вазирлик томонидан кўпи билан беш йил муддатга узайтирилиши мумкин. Бундай ихтиро патентининг амал қилишини узайтириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган маъмурий регламент билан белгиланади.

Саноат намунаси патентининг ва фойдали модель патентининг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан Вазирлик томонидан тегишинча беш йилга ҳамда уч йилга узайтирилиши мумкин.

Ихтиро ҳамда фойдали модель патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми уларнинг формуласи билан, саноат намунаси патенти таъминлайдиган ҳуқуқий муҳофаза ҳажми эса буюмнинг (макетнинг, расмнинг) тасвирида акс эттирилган муҳим белгилари ва (ёки) уларнинг комбинацияси (бундан буён матнда унинг муҳим белгилари мажмуи деб юритилади) билан белгиланади.

Саноат мулки объекти патенти, шунингдек уни олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади.

Ушбу қонуннинг 9-моддасига кўра, ижодий меҳнати билан саноат мулки объектини яратган жисмоний шахс шу объектнинг муаллифи деб эътироф этилади.

Агар саноат мулки объекти бир нечта жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати асосида яратилган бўлиб, улар ўртасида тузилган шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, уларнинг барчаси шу объектнинг тенг ҳуқуқли ҳаммуаллифлари деб эътироф этилади.

Муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган ва топширилмайдиган шахсий номулкий ҳуқуқдир.

Ушбу қонуннинг 10-моддасига кўра, саноат мулки объектининг патенти куйидагиларга берилади:

саноат мулки объектининг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки саноат мулки объекти рўйхатдан ўтказилгунга қадар Вазирликка топширилган талабнома берувчини ўзгартириш ҳақидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (уларнинг ўзи рози бўлган тақдирда);

ушбу моддада назарда тутилган ҳолларда иш берувчига.

Ходим томонидан ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки объектининг патентига бўлган ҳуқуқ, агар бу ҳол улар ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишли бўлади.

Агар иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлмаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва саноат мулки объектининг патентини ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модда иккинчи қисмининг қоидалари назарда тутилган бўлса ва иш берувчи яратилган саноат мулки объекти тўғрисида муаллиф (ҳаммуаллифлар) томонидан ёзма равишда хабардор қилинган кундан эътиборан тўрт ой ичида Вазирликка патент бериш ҳақидаги талабномани топширмаса, патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечмаса ва тегишли объектни сир сақлаш тўғрисида муаллифга (ҳаммуаллифларга) маълум қилмаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва ўз номига патент олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мазкур модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланадиган миқдорда тоvon тўлаб, ўз ишлаб чиқаришида тегишли саноат мулки объектдан фойдаланишда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

Иш берувчи саноат мулки объектини сир сақлаган тақдирда муаллифга (хаммуаллифларга) мутаносиб равишда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади.

Патент эгаси бўлмаган, ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки объектнинг муаллифи (хаммуаллифлари) тегишли саноат мулки объектдан фойдаланилганлиги ёхуд унга оид лицензия сотилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Саноат мулки объектдан фойдаланилганлик ёки унга оид лицензияни сотганлик учун тушаётган маблағлар ҳисобидан муаллифга (хаммуаллифларга) тўланадиган ҳақнинг миқдори, уни тўлаш шартлари ва тартиби муаллиф (хаммуаллифлар) ҳамда иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади.

Ушбу қонуннинг 14-моддасида белгиланишича, патент бериш ҳақидаги талабнома муаллиф, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси (бундан буён матнда талабнома берувчи деб юритилади) томонидан давлат ахборот тизимлари орқали Вазирликка берилади.

Патент бериш ҳақидаги талабномаларга белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини ёки патент божи тўлашдан озод қилишнинг ёхуд унинг миқдори камайтирилишининг асосларини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома ҳужжатларига доир талаблар маъмурий регламент билан белгиланади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома шахсан, патент вакили ёки ишончли шахс орқали топширилиши мумкин.

Ушбу қонуннинг 17-моддасига кўра, саноат намунасига патент бериш ҳақидаги талабнома (бундан буён матнда саноат намунаси ҳақидаги талабнома деб юритилади) битта саноат намунасига тааллуқли бўлиши керак ва у шу намуна вариантларини (саноат намунаси бирлиги талабини) қамраб олиши мумкин.

Саноат намунаси ҳақидаги талабнома:

- саноат намунасининг муаллифи (хаммуаллифлари) ва кимнинг номига патент бериш сўралаётган бўлса, ана шу шахс, шунингдек уларнинг турар жойи ёки жойлашган манзили кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани;

- буюмнинг ташқи кўриниши ҳақида тўла-тўқис, бор тафсилоти билан тасаввур қилиш имконини берувчи буюм акс эттирилган тасвирлар туркумини, макет ёки расми;

- агар саноат намунасининг моҳиятини очиб бериш учун зарур бўлса, буюм умумий кўринишининг чизмаси, эргономик схемаси, конфекцион харитасини;

саноат намунасининг ундаги муҳим белгилар мажмуини акс эттирган тавсифини ўз ичига олиши лозим.

Ушбу қонуннинг 24-моддасига кўра, давлат муассасаси патент бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан сўнг Вазирлик саноат мулки объектини тегишинча Давлат ихтиролар реестрида, Давлат фойдали моделлар реестрида ёки Давлат саноат намуналари реестрида давлат рўйхатига олади.

Ушбу қонуннинг 25-моддасига кўра, Вазирлик саноат мулки объектлари рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган расмий ахборотнома нашр этади. Эълон қилинадиган маълумотларнинг тўлиқ рўйхати ва таркиби Вазирлик томонидан белгиланади.

Ушбу қонуннинг 26-моддасига кўра, саноат мулки объектига патент бериш объект рўйхатга олинганлиги ҳақидаги маълумотлар расмий ахборотномада эълон қилинган санадан эътиборан ўн кун ўтганидан кейин Вазирлик томонидан амалга оширилади.

Саноат мулки объекти патенти Ўзбекистон Республикаси номидан берилади.

Саноат мулки объекти патенти бир нечта киши номига сўралганда уларга битта патент берилади.

Саноат мулки объекти патентининг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Вазирлик томонидан белгиланади.

Берилган саноат мулки объекти патентидаги кўзга яққол ташланиб турган ва техник хатолар патент эгасининг талабига кўра Вазирлик томонидан тузатилади.

Ушбу қонуннинг 34-моддасида белгиланишича, патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўлов миқдорларини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби қонунда белгиланади.

Патент божлари талабнома берувчи, патент эгаси ва бошқа манфаатдор шахс томонидан тўланади.

Патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божини тўлаш мақсадида қўшимча патент божи тўланган тақдирда, патент эгасига олти ойлик имтиёзли муддат берилади.

Агар патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи ва қўшимча патент божи имтиёзли муддат мобайнида тўланмаса, патентнинг амал қилиши белгиланган муддатда патент божи тўланмаган кундан эътиборан тугатилади.

Ушбу қонуннинг 36-моддасида белгиланишича, Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари саноат мулки объектларини қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа давлатларда патентлаш ҳуқуқига эга.

Давлат сирларини ўз ичига олмайдиган ихтиролар ва фойдали моделларни бошқа давлатларда патентлаш тегишли талабнома Вазирликка топширилган кундан эътиборан уч ой ўтганидан кейин амалга оширилиши мумкин [4].

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 26 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2024 йил 18 майда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг "Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага битимининг Женева актига (Женева, 1999 йил 2 июль) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги Қонунда Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага битимининг Женева актига (Женева, 1999 йил 2 июль) қуйидаги баёнотлар билан қўшилиши белгиланди:

1) Гаага битими Женева актининг 7-моддаси 2-банди бўйича: "Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, Ўзбекистон Республикаси кўрсатилган ҳар қандай халқаро талабнома муносабати билан ва шундай халқаро талабномани топшириш натижасида амалга оширилган ҳар қандай халқаро рўйхатдан ўтказиш узайтирилиши муносабати билан, кўрсатилганлик учун қайд этилган бож Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида саноат нумунасининг халқаро рўйхатдан ўтганлиги амал қиладиган давлат сифатида кўрсатилганлиги учун яқка тартибдаги божга алмаштирилади";

2) Гаага битими Женева актининг 11-моддаси 1-банди (b) кичик банди бўйича: "Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, унинг қонунчилигида саноат намунаси тўғрисидаги маълумотларнинг нашр этилишини кечиктириш назарда тутилмаган";

3) Гаага битими Женева актининг 13-моддаси 1-банди бўйича: "Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, айни бир талабнома объекти бўлган саноат намуналари ижодий гоя бирлиги талабига жавоб бериши шарт";

4) Гаага битими Женева актининг 16-моддаси 2-банди бўйича: "Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, Халқаро реестрдаги халқаро рўйхатга олинган алоҳида ёки барча саноат намуналарининг эгаси ўзгарганлиги тўғрисидаги ёзув Ўзбекистон Республикасининг Идораси ҳуқуқ бошқа шахсга ўтказганлиги ҳақидаги тегишли ҳужжатларни олмагунича кучга эга бўлмайди";

5) Гаага битими Женева актининг 17-моддаси 3-банди (с) кичик банди бўйича: "Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, саноат намунасига бўлган мутлақ ҳуқуқнинг амал қилиш муддати беш йилни танкил этади ва бу муддат ҳуқуқ эгасининг аризасига кўра бир неча марта беш йилга, бироқ халқаро рўйхатдан ўтказилган кундан эътиборан ҳисобланганда жами кўпи билан ўн беш йилгача узайтирилиши мумкин";

6) Гаага битимининг 1999 йилдаги актига ва 1960 йилдаги актига доир умумий йўриқноманинг 13-қоидаси 4-банди бўйича: "Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, Ўзбекистон Республикасининг Идораси орқали берилган халқаро талабнома материалларини жўнатиш учун зарур бўлган бир ой муддат хавфсизлик талабларига риоя этилиши бўйича текширув ўтказиш учун зарур бўлган олти ой муддатга алмаштирилади";

7) Гаага битимининг 1999 йилдаги актига ва 1960 йилдаги актига доир умумий йўриқноманинг 18-қоидаси 1-банди (b) кичик банди бўйича: "Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳофаза тақдим этишни рад этиш тўғрисидаги билдириш хатини тайёрлаш учун энг кўп муддат 12 ойдан иборатдир";

8) Гаага битимининг 1999 йилдаги актига ва 1960 йилдаги актига доир умумий йўриқноманинг 18-қоидаси 1-банди (с) (i) кичик банди бўйича: "Ўзбекистон Республикаси баён қиладики, саноат намунасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро рўйхатдан ўтганлигининг амал қилиши унинг Идораси томонидан Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Халқаро бюросига муҳофаза тақдим этилганлиги тўғрисидаги хабарнома юборилган кундан эътиборан бошланади" [5].

Гаага битимининг Женева акти ўз маҳсулотларини, энг аввало хорижий бозорларда тарғиб қилишдан манфаатдор бўлган субъектларга саноат намуналарини рўйхатдан ўтказишнинг миллий тизимларга нисбатан анча қулай тартиб-таомилларидан фойдаланиш имконини беради.

Хусусан, миллий ишлаб чиқувчилар битта аризани Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига (БИМТ) беришлари мумкин, у барча тартиб-таомилларни бажаришни ва ҳужжатларни юборишни ўз зиммасига олади.

Қонуннинг қабул қилиниши миллий ишлаб чиқарувчиларнинг интеллектуал мулкни химоя қилишни кучайтириш, шунингдек янги маҳсулот яратишда уларнинг жавобгарлигини ошириш ва ишлаб чиқаришда патентланган объектлардан фойдаланишга йўл қўймасликка кўмаклашади[6].

Ҳозирги кунда саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тизими Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага битими асосида ишлайди ва мазкур битим икки мустақил актдан таркиб топган. Булар Женева акти (1999 йил 2 июлда қабул қилинган ва 2003 йил 23 декабрда кучга кирган) ва Гаага акт (1960 йил 28 ноябрда қабул қилинган ва 1984 йил 1 августда кучга кирган)ларидир.

Саноат намуналарини рўйхатдан ўтказиш Гаага тизими бор-йўғи битта талабномани топшириш орқали тегишли актда иштирок этувчи бир нечта мамлакатларда амал қилувчи кучга эга бўлиш имконини беради. Ҳозирги пайтда 70 та МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари Гаага битимининг Женева акти иштирокчиси ҳисобланади.

Гаага тизими бўйича саноат намунаси муҳофазаси у рўйхатга олинган мамлакат қонунчилигига мос равишда, лекин халқаро рўйхатга олинган санадан эътиборан 5 йилдан кам бўлмаган муддат учун белгиланади.

Қайд этилганидек, Гаага битими ўз маҳсулотини, энг аввало, хорижий бозорларда илгари суришдан манфаатдор бўлган субъектларга саноат намуналарини рўйхатдан ўтказишнинг ҳозиргача мавжуд бўлган миллий тизимларига нисбатан янада қулайроқ тартиб-таомилларини тақдим этади.

Гаага битими бўйича тартиб-таомил бир нечта миллий патент идораларига уларнинг худудида амалда бўлган миллий қонунчилик ҳужжатларига мос равишда мурожаат этилганда объектив тарзда юзага келадиган қийинчиликларни четлаб ўтиш имконини беради.

Ўзбекистоннинг Гаага битими Женева актига қўшилиши маҳсулот ишлаб чиқарувчилар — мамлакатимиз резидентларига Гаага битимига аъзо бир нечта мамлакатлар худудида саноат намуналарини рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларининг соддалаштирилган тизимидан фойдаланиш имконини беради.

Мамлакат ичкарасидаги ҳамда дунё ҳамжамиятидаги ижобий имиджини юксалтириш билан бир қаторда, ўз субъектлари интеллектуал мулк ҳуқуқларининг хорижда, чет эллик субъектлар интеллектуал мулк ҳуқуқларининг эса ўз худудида муҳофазаланишига кўмаклашувчи давлат сифатидаги нуфузини оширишга хизмат қилади [7].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Гаага битими Женева актига қўшилиши саноат намуналарига бўлган ҳуқуқларнинг ҳалқаро миқёсда ва қулай усуллар билан ҳимоя қилинишига имконият яратди.

ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли "2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 17 январда қабул қилинган "Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Саноат намуналарини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Гаага битимининг Женева актига (Женева, 1999 йил 2 июль) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги Қонуни.
6. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/patentlangan_obektlardan_noqonuniy_foydalanish_qisqartiriladi
7. <https://parliament.gov.uz/oz/news/ozbekiston-sanoat-namunalarini-xalqaro-royxatdan-otkazish-boyicha-xalqaro-hujjatga-qoshilmoqda>

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3 СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР 3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE 3

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz